



100084, Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Kichik xalqa yo'li – 4.  
Tel.: 239-16-85  
Faks: 150-62-99

100084, город Ташкент, Юнусабадский район, Кичик халка йули – 4.  
Тел.: 239-16-85  
Факс: 150-62-99

## Пресс-релиз

10 август 2016 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб **“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним”** шиори остида кўплаб семинарлар, тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай семинарлардан бири жорий йилнинг 10 август куни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида **“Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази фаолиятини такомиллаштириш, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар”** мавзусида ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган мазкур тадбирда Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, «Ўзбекэнерго» АК, «Ўзкимёсаноат» АК, “Ўзавтойўл” АК, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати, Фанлар академиясининг Сейсмология институти, “Ўзгидромет” маркази ва бошқа шу каби Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари мавзуга оид маърузалар, кўргазмалар, махсус жиҳозланган техникалар билан иштирок этишди.

Давлатимиз ўз мустақиллиги ва суверенитетини кўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимиз аҳолисини ва ҳудудларини табиий офатлар, техноген ҳалокат ва фалокатлардан муҳофаза қилиш мақсадида ишончли ва самарали миллий тизимни яратиш асосий вазифалардан бирига айланди. Таъкидлаш жоизки, бу борада кўйилган мақсадларга эришиш йўлида кенг кўламли ва моҳиятига кўра салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш масалаларини, шунингдек,

қутқарув хизматлари ва қутқарувчилар фаолияти ва ҳуқуқий мақомини тартибга соладиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база шаклланди.

Қувонарлиси, мустақиллик йилларида тизимнинг кадрлар салоҳияти ва моддий-техник таъминоти тубдан янгиланганди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими (ФВДТ) ҳудудий ва функционал қўйи тизимлари ўртасида ҳамкорлик олиб бориш тизими узвий такомиллашиб борди.

Маълумки, ФВДТ тузилмалари билан изчил ҳамкорликни амалга оширишда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг **Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази** фаолияти муҳим ўрин эгаллайди.

Семинарда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва юзага келганда тезкор ҳаракат қилиш, ФВДТ тузилмалари ва Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази ўртасида ўзаро ахборот алмашиш бўйича амалга оширилган тадбирлар, илғор хорижий давлатлар тажрибалари асосида ташкил этилган тизимни келгусида янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, республика ҳудудида фавқулодда вазиятлар соҳасида юзага келган хавф ва таҳдидларни олдиндан баҳолаш, уларнинг узлуксиз мониторингини юритиш ҳамда прогнозлаштириш соҳасида ФВДТ хизматлари билан ҳамкорлик натижалари ва истиқболдаги вазифаларга эътибор қаратилди.

Семинарда ФВДТнинг функционал қўйи тизими таркибига кирувчи вазирлик, идора ва ташкилотларининг замонавий ахборот-технология ва махсус техника воситалари кўрғазмаси тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир якунида ўзаро фикр мулоҳазалар алмашиниб, иштирокчилар томонидан семинарда кўрилган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

**ФВВ Матбуот хизмати**